

СУВЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СУВ ОМБОРЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Ҳ.О.Очилов

“Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети магистранти.

Аннотация: Мақолада бугунги кундаги Ўзбекистоннинг ички сув ресурслари ва уларни бошқаришдаги сув омборларини ўрни тўғрисида фикр юритилади. Шу билан биргаликда ички сувларнинг муҳим қисми бўлган кўллар ва ер ости сув ресурсларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Калит сўзи: сув ресурсларини бошқариш, сув омборлари, сел сув омборлари, трансчегарадош дарёлар

Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг 78.7% майдони текисликлардан иборат. Текисликларда эса дарё тармоқлари жуда кам. Қолган 21.3% тоғлик қисмида кўплаб сув хавзаларини, айниқса дарёлар кўплигини кузатиш мумкин. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг икки хил табиий географик кенгликдан, яъни текислик ва тоғли ўлкалардан иборат бўлишидандир. Тоғларда ёғин кўп ёғади, нам эса кам буғланади. Баланд тоғларда ҳаво узоқ муддат совуқ бўлиб турганидан катта қорли далалар ва йирик музликлар вужудга келган. Республикамиз тоғли қисми бу қор – муз, ёмғир суви йиғиладиган, ер усти ва ер ости сувлари вужудга келадиган минтақа бўлса, аксинча, унинг текислик қисми эса ўша тоғлардан оқиб келадиган сувларни сарфлайдиган минтақадир. Тоғ тизмаларининг нам ҳаво оқимиغا очиқ ва уларнинг йўналишига рўпара бўлган тоғларнинг жануби – ғарбий ва ғарбий ёғин кўпроқ тушадиган ёнбағирларида сув йиғадиган майдонлари сувга энг сероб ҳисобланади. Шу сабабли Ҳисор тоғининг жануби – ғарбий ёнбағридан, ғарбий Тяншаннинг жануби – ғарбидан сув олувчи дарёлар Пском, Угом, Кўксув, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг айрим ирмоқларининг оқим модули сув йиғилиш майдонларининг нисбий серсувлиги катта. Бу жойларда тоғларнинг 3000 м баландликларида бир кв.км майдондан секундига 30 – 50 литр оқим вужудга келади. Аксинча, Республикамиз тоғларининг шимолий, шарқий ёнбағирларида, хусусан, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғларининг шимолий, шарқий ёнбағирларининг 3000 м баланд қисмларида бир кв.км майдонга секундига 7 – 12 литр оқим тўпланади. Ўзбекистон тоғли қисмида оқим модули яна унинг мутлоқ баландлигига ҳам боғлиқ. Тоғларнинг қуйи қисмида 1000 – 1500 мм баландликларда оқим модулининг миқдори бир км юзадан секундига 0.5 – 1.0 оқим вужудга келади, 1500 – 2000м баландликда 7 – 10 литр, 2000 – 2500м баландликларда 10 – 17 литр, 2500 – 3500 м баландликларда эса 20 литрдан ортиқ оқим вужудга келади. Ғарбий Тяншан ва Ҳисор тизмаларининг жануби – ғарбий ёнбағирларида 2500 – 3500м баландликларда бу кўрсаткич 30 – 50 литрга тўғри келади. Шу сабабли Республика тоғларининг 3000 м баланддан бошланувчи дарёлари Пском, Угом, Кўксув, Тўполон, Танхоз, Сўхлар серсув, аксинча, паст тоғлардан бошланувчи дарёлари Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув,

Шеробод, Ғузордарё, Тўсиннинг суви нисбатан кам бўлиб, айна ёзда озайиб қолади. Ўзбекистон дарёлари асосан тоғ дарёлари бўлиб, тез оқиши жараёнида ғоят катта емириш ишларини бажариб ва йилига миллионлаб тонна хар ҳил тоғ жисмларини текисликка оқизиб келади. В.Л.Шульц берган маълумотларга кўра хар бир куб м дарё сувида ўртача 1кг дан 5кг гача лойқа бўлади. Амударё ва Шерободдарёнинг сувлари эса лойқа болиб, 3740 г/м Амударё сувиға, 3140 г/м³, Шерободдарё сувиға тўғри келади. Зарафшон дарёсида 1390 г/м³, Қашқадарёда 1970 г/м³, Сирдарёда 2170 г/м³ суви у қадар лойқа эмас. Дарёлар ўртача йилига хар бир кв км майдондан 100 – 200 тоннадан, айрим дарёлар 2000 тоннадан ортиқ тоғ жинсларини ювиб кетади. Ҳавзасини энг кам ювадиган дарё Чирчиқ бўлиб, ундаги тоғ жинсларни ювиш 50 тонна км² дан ошмайди. Ўзбекистон дарё тармоқларининг зичлиги ҳудуд бўйича бир ҳил эмас. Республика майдонининг 71% дан иборат текислик қисмида дарёлар жуда сийрак бўлиб ҳарк в км майдонга дарёнинг 2м узунликдаги қисми тўғри келади. Аксинча, 29% майдонни эгаллаган тоғ ва адирларда дарёлар тармоғи зич. 9 Бунга асосий сабаб, Тоғларда текисликдагига нисбатан ёғинлар кўп тушади, ҳарорат паст бўлганидан мумкин бўлган буғланиш ва шимилиш кам бўлади. Натижада ёғиннинг кўп қисми дарё оқимиға айланади. Шу сабабли, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ каби дарёлар тоғлардан бошланганлиги учун серсувдир. Ўзбекистоннинг тоғ дарёлари тор ўзанда, тез ва шиддат билан оқади. Улар асосан, ўзанини ювиб шаршара ва остоналар ҳосил қилиб кема қатновига яроқсиз, лекин гидроэнергияға бой шароитни юзаға келтиради. Текисликка чиққач, дарёлар кенг водийда тармоқланиб, илонизи ўзан ҳосил қилиб, секин оқади, кўпроқ қирғоқларини емиради (ёнлама эрозия). Бу дарёлар кема қатнови учун қулайдир. Ўзбекистондаги кўп дарёларнинг бошланиш қисми Тожикистон ва Қирғизистондаги доимий қор ва музликлари кўп бўлган баланд тоғларда жойлашган. Бундай дарёларнинг суви ёзда тоғдаги музликлар ва доимий қорлар эриганда кўпаяди. Ўзбекистон ҳудудидаги тоғларнинг қайси қисмидан ва паст тоғлардан бошланувчи дарёлар қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Республикадаги Амударё, Зарафшон, Исфайрамсой, Сўх, Исфара каби дарёларнинг бош қисми 4500 м дан баланд тоғлардаги музликлар ва доимий қорларнинг эришидан тўйинади. Натижада уларнинг суви июнь – август ойларида кўпайиб, йиллик оқим миқдорининг 30 – 38% ташкил этади. Чунки бу ойларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли тоғларнинг баланд қисмидаги муз ва қорлар тез эрийди. Дарё сувининг энг камайган даври киш ойларига тўғри келади. Ўзбекистоннинг Сирдарё, Норин, Қорадарё, Чирчиқ, Сурхондарё каби дарёлар қор ва муз сувлардан тўйинади.

Ўзбекистон ҳудудидаги қўллар сони (5360та қўл) 100% десак, шунинг 56.5% унинг текислик қисмида, 43.5% эса тоғли қисмида жойлашган. Лекин сув юзаси майдоннинг катталиги жиҳатдан текисликдаги қўллар олдинда бўлиб, 67% ни ташкил этади. Ўзбекистонда сув омборлари кўп бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Қайроққум, Туямўйин, Чорбоғ, Андижон, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Қуйимозор, Пачкамар, Туябўғиз, Каркидон, Учқизил ва бошқалардан турли мақсадларда фойдаланилади. Ер ости сувлари Ўзбекистоннинг муҳим табиий бойлигидир,

Республикамиз худудида уларнинг катта захираси мавжуд. Агар улардан тўла фойдаланилса, секундига 450 – 500 куб/метр сув олиш мумкин. Республикамизда ер ости сувларнинг тарқалиш жойини геологик тузилиши, рельефи, иқлими хусусиятлари ва дарёларига боғлиқ. Ўзбекистонда ҳозир йилига 1.53км³ атрофида ер ости сувларидан фойдаланилмоқда. Ер ости сувларидан асосан суғоришда, қишлоқ ва шаҳар аҳолисини ҳамда чорвачиликни сув билан таъминлашда, шунингдек, уй рўзғор, маиший хўжаликда, даволаниш мақсадларида фойдаланилмоқда. Ўзбекистон республикасида дастлабки сув омбори 1940 йилларда қуриб битказилган, бугунги кунга келиб мамлакатимиз ҳаётини сув омборларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Баъзан сув ресурслари камайиб кетмоқда, биз уни асрашимиз керак дейишганда ўйланиб қоламан. Ваҳоланки, инсон ўзи бир томчи сувни ярата олмайди ва йўқ қилиб юбора олмайди ҳам.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсам масаланинг ечими умуман бошқа жойда. Сув билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш учун биз сувга бўлган муносабатимизни тубдан керак бўлса оиладан бошлаб ўзгартиришимиз лозим. Ҳозирги вақтда ватанимизда 60 га яқин сув омборлари мавжуд. Келажакда улар сони яна ортади. Бу сувларнинг деярли ҳаммаси суғоришга сарфланади. Агар ҳар бир гектар пахта майдонига 13-15 минг м³ сув сарфланаётганлигини ҳисобга олсак бу борада қилинадиган ишлар жуда кўплигини англашимиз қийин эмас. Инсоннинг табиатини билган ҳолда шуни айтишим мумкинки, сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгаришини яқин 10 йилликларда кутишдан фойда йўқ. Ўзбекистоннинг энг йирик сув омборлари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. С.Каримов, А.Акбаров, Жонқобилов. Гидрология, гидрометрия ва оқим ҳажмини ростлаш дарслик Тошкент, Ўқитувчи, 2004-230б
2. Г.В. Железняков, Т.А. Неговская, Е.Е. Овчаров. Гидрология, гидрометрия и регулирование стока. Москва "Колос", 1984-431б.
3. В. Стрелников, С.Кеберле, Б.Белесков. Повышение эффективности эксплуатации водохранилищ Ташкент «Мехнат» - 1987-242.
4. А.М. Никитин. Водохранилища Средней Азии. Л. Гидрометеиздат 1991-163 т. 8. Ф.Ҳ.Ҳикматов, З.С.Сирлибоева, Д.П.Айтбаев. Кўллар ва сув омборлари. Тошкент "Университет"- 2000 й, 119 б.